

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



18.04.2017 йилдаги ЎРҚ-429-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қўшиб юборилганда лицензияни қайта расмийлаштиришга рухсат берилди

Хусусан, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Гиеҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунларга тузатишлар киритилди.

Энди янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш саҳнасида фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар бўлмиш лицензиялар қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Бунинг учун унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ой муддат ичида лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш

тўғрисидаги аризани ушбу маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этиши шарт.

Эслатиб ўтамоғимиз, илгари юридик шахс қайта ташкил этилганда, бундан унинг ўзгартирилиши мустақилоқ, лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатилар эди.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатилган тақ-



дирда ҳам, лицензия қайта расмийлаштирилади. Мазкур ҳолатда лицензияни қайта расмийлаштириш лицензиянинг амал қилишини лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатиш тўғрисида қарор қабул

қилинган кундан эътиборан 5 кун ичида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш тартиби фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланади.

Қайси товар контрафакт ҳисобланади

Шунингдек ЎРҚ-429-сон Қонун билан товарлар белгилари тўғрисидаги нормаларга тузатишлар киритилди. Фуқаролик кодекси ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунга товар белгилари ҳуқуқий режимида дахлдор қатор тузатишлар киритилди.

Энди товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги охириги 5 йил мобайнида (илгари – рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб исталган 5 йил давомида эди) ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, манфаатдор шахснинг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Бунда товар белгисининг белгиланган тартибда, яъни унинг кўрсатмасига кўра қуйидагиларда ишлатилиши товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далил ҳисобланади:

➤ товар белгисининг рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг ўровларида;

➤ рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида, ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим

этилаётган, сотилаётган ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ва (ёки) ташилаётган ёхуд Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг этикетка (ёрлиқ)ларида, ўровларида;

➤ товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда;

➤ домен номида.

Товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этиладиган, товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далиллар аризада кўрсатилган вақт даврига тааллуқли бўлиши керак.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг тугатилиши механизми киритилди. Бунинг маъноси шуки, бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки

унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмайди.

Маълумот учун: мутлақ ҳуқуқнинг тугатиш товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни чеклаш шаклларида биридир. Масалан, агар товар ишлаб чиқарувчи товар белгисининг эгаси билан тузилган шартномага кўра мазкур белги кўрсатилган маҳсулот-

ларни чиқарса, унинг ҳуқуқий эгаси илгари бунга ўз розилигини берганлиги (шартномани имзолаганлиги) сабабли унинг мутлақ ҳуқуқлари бузилган деб айта олмайди.

Тузатишларга мувофиқ товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикетка (ёрлиқ)ларида, ўровларида қонунга зид равишда фойдаланилганда улар сохталаштирилган ҳисобланади.

Ўзгартиришлар «Халқ сўзи» газетасининг 19.04.2017 йилдаги 77 (6771)-сонида расмий эълон қилинган кундан кучга кирди.

2-бетда

Эълон

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги регламентининг (ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 3-илова) 13-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан статистика органлари 2016 йил учун тақдим этилган давлат статистика ҳисоботлари асосида Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестри (ТСЯДР) базасига асосий фаолият турининг коди ва ходимларнинг ўртача сонига ўзгартиришлар киритди.

Статистика органлари томонидан юридик шахсларга тақдим этилган мақом ва асосий иқтисодий фаолият турининг кодларини ЎзР Давстатқўмининг www.stat.uz сайтида интерфаол хизмат ёрдамида текшириб қўриш мумкин (ТСЯДРнинг «Хизматлар» бўлимида «Корхоналар ва ташкилотларни КТУТ/СТИР кодлари бўйича қидириш» хаволаси бўйича).

Маълумотлар учун телефонлар: 230-88-30, 230-88-31.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Ушбу сонда:

5-БЕТ

Фармацевтларга имтиёз ҳақидаги Фармон кучга кирдими?

6-БЕТ

Видеокамерага тушиб, «қаҳрамон»га айланманг

7-8-БЕТЛАР

«Ўлик жон маҳсулотлар» учун ҳақ тўланганда...



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Экологларнинг асосий вазифаси – чиқиндиларга қарши курашиш

Президентнинг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (21.04.2017 йилдаги ПФ-5024-сон) ҳамда «2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (21.04.2017 йилдаги ПҚ-2916-сон) қабул қилинди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Конституцияга ҳам ўзгартиришлар киритиш мўлжалланаяпти. Кўмита раиси ва унинг ўринбосарлари Бош вазирнинг тақдимида кўра Президент томонидан тайинланади (ҳозир Конституциянинг 80-моддасига мувофиқ раис Президентнинг тақдимида кўра Олий Мажлис Сенати томонидан тайинланади).

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Идоранинг вазифалари белгиланди. У қуйидагиларни амалга оширади:

➤ экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

➤ атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

➤ чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта иш-

лаш ва қўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

➤ ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

➤ экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорлиқни таъминлаш;

➤ экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат қадстрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни қўлайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

➤ экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Кўмита чиқиндилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун унинг таркибиди Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реалзациясини назорат қилиш инспек-



цияси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари тузилади.

Табиатни муҳофаза қилиш республика ва ҳудудий жамғармалари негизда Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима санкциялари миқдорларини ошириш ҳамда фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва мамлакатимиз шаҳарларида, шунингдек, туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсата-

диган участкалари негизда уларнинг филиаллари ташкил этилади.

2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

шаҳарларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар, «Тоza ҳудуд» ДУК ва «Qurlishmashlizing» ихтисослашган республика лизинг компанияси» АЖ қарорга иловаларга мувофиқ ўтказиб берилаётган ҳамда харид қилинаётган махсус автотранспорт воситалари ИИБ органларида рўйхатга олинаётганда Республика йўл фондига йиғимлардан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш технологик жараёнида ишлатиладиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатдан асосида олиб кириладиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод этилди.

Қонунчиликда коммунал хизмат кўрсатуви ташкилотлар учун жорий этилган мол-мулк солиғи тўловида озод этиш имтиёзи «Тоza ҳудуд» ДУК ва «Махсустранс» ДУКга нисбатан татбиқ этилади.

5-бетда

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 2 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2794,46	1 Малайзия рингити	860,78
1 Англия фунт	154,16	1 Польша злотийси	962,63
1 стерлинги	4822,51	1 СДР	6120,63
1 Дания кронаси	547,16	1 Туркия лираси	1050,73
1 БАА дирҳами	1016,88	1 Швейцария франки	3750,29
1 АҚШ доллари	3734,91	1 ЕВРО	4075,98
1 Миср фунти	206,46	10 Жанубий Корея вонини	32,85
1 Исландия кронаси	35,20	10 Япония иенаси	334,58
1 Канада доллари	2731,79	1 Россия рубли	65,54
1 Хитой юани	542,08	1 Украина гривнаси	140,62

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	1.05.2017	1	1,7025	1	1,8542	1	0,0299
Арманистон	28.04.2017	1	484,68	1	530,14	1	8,50
Беларусь	2.05.2017	1	1,8692	1	2,0371	100	3,2803
Грузия	1.05.2017	1	2,4416	1	2,6701	100	4,2768
Қозғоғистон	1.05.2017	1	314,4	1	343,83	1	5,51
Қирғизистон	1.05.2017	1	67,5000	1	73,5818	1	1,1845
Молдова	1.05.2017	1	19,2567	1	20,9869	1	0,3392
Россия	29.04.2017	1	56,9838	1	62,0440	—	—
Тожикистон	1.05.2017	1	8,4999	1	9,2776	1	0,1524
Туркменистон	1.05.2017	1	3,5000	1	3,8133	100	6,1493
Украина	3.05.2017	100	2 656,0930	100	2 903,1096	10	4,6611

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

1-2, 5-бетлар

• РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР

- Ўзбекистон Республикаси бўйича 2017 йилда давлат кўчаси мулкнинг 1 кв. метридан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкалари

3-4-бетлар

• АВТОНОРМА

- Оғир юк машиналарининг довол орқали ҳаракатланиши тақиқланди
- Ҳаммаси кузатув остида
- Йўлдаги беадаблар
- Ўқиб-ўрганишнинг кечи йўқ

6-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

- Ўзи йўқ маҳсулотга ҳақ тўлаб...

7-8-бетлар

«СОЛИКЛАР: САВОДЛАР ВА ЖАВОБЛАР»



Ўзбек тилидаги қўланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таълимар-жон кўч., 1/1. Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz web: www.norma.uz



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўқувчиларимизнинг кўп сонли мурожаатлари ва илтимосларига кўра таҳририятимиз Ўзбекистон Республикаси бўйича давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун 2017 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкаларини чоп этишни зарур деб ҳисоблади.

Ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида низомда (8.04.2009 йилдаги 102-сон ВМҚаа илова) белгиланган.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови (ижара тўловининг таянч ставкаси) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$T_c = \Sigma c \times K_3 \times (K_k + K_x + K_o),$$

бунда:

Tc – бир йилга бир кв.м учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Σc – бир йилга бир кв.м учун энг кам ставка;

K₃ – ҳудудий зона коэффициенти;

K_k – қурилиш тури бўйича коэффициент;

K_x – туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти;

K_o – тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти.

Давлат мулки – давлат корхоналари ва бюджет ташкилотлари балансидаги мол-мулк, шунингдек юридик шахсларнинг оммавий мулкни бошқарувчи ёхуд ваколатли давлат органи томонидан тасарруф этиш ҳуқуқисиз уларга берилган мол-мулки ижарага берилган тақдирда бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови **коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда** ижара тўловининг энг кам ставкалари асосида ҳисобланади (8.04.2009 йилдаги 102-сон ВМҚаа илованинг 9-банди).

Бошқа корхоналар (нодавлат ва бюджетдан ташқари) ижарага бериладиган мол-мулк учун ижара тўлови суммасини мустақил равишда белгилайдилар.

Агар корхона давлат ёки бюджет корхонаси бўлмаса, унда солиқ солиш мақсадида ижара тўловининг энг кам ставкалари **коэффициентларни ҳисобга олмаган ҳолда** қўлланилади.

Давлат мулки бўлган кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили 31 декабрга қадар тасдиқланади. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун 2017 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари Тошкент шаҳар ҳокимининг 29.12.2016 йилдаги 1161-сон қарори билан тасдиқланган.

Қўрсатилган энг кам ставкалар қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

1) давлат мулкни ижарага беришда ижара тўловини аниқлаш учун (8.04.2009 йилдаги 102-сон ВМҚаа илова);

2) юридик шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш учун (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорнинг 5-банди).

Кўчмас мулкни ижарага бериш бўйича шартномада белгиланган ижара тўлови суммаси энг кам ставкалар асосида ҳисобланганидан паст бўлган тақдирда, солиқ солиш мақсадида солиқларнинг қуйидаги турлари бўйича давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун энг кам ижара тўлови ставкаларидан келиб чиқиб қўшимча суммалар ҳисобланади:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;

қўшилган қиймат солиғи;

ягона солиқ тўлови бўйича ЯСТ тўловчилари учун.

Кўчмас мулкни ижарага бериш фаолиятининг асосий тури ҳисобланган умумбелгиланган тартибдаги солиқларни тўлови юридик шахслар учун қўшимча суммалар бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича ҳам амалга оширилади (26.01.2012 йилдаги МВнинг ММ/04-01-32-14/87-сон ва ДСҚнинг 13/1-954-сон Тушунтириш хати, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорнинг 5-банди).

Қўриб турганимиздек, фақат энг кам ижара ставкалари ҳақида сўз бормоқда. Бинобарин, солиқ солиш мақсадида нодавлат ва бюджет корхоналари ҳисобланмаган корхоналар **коэффициентларни қўлламайдилар**.

Шунга эътиборингизни қаратамизки, қуйида келтирилган ижара ҳақининг ставкалари Давлат рақобат қўмитаси томонидан тақдим этилган (<https://gkk.uz/ru/minimalnye-arendnye-stavki-natekushchij-god#>) ҳамда ЎзР Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган. Лекин ижара ҳақининг якуний ставкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан, Давлат рақобат қўмитаси тақдим этган ҳамда ЎзР Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган энг кам ижара ставкалари ҳисоб-китоблари асосида тасдиқланади. Шу сабабли ижара тўловларининг якуний ставкаларини олиш учун маҳаллий ҳокимиятларга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА 2017 ЙИЛДА
ДАВЛАТ КЎЧМАС МҲЛКИНИНГ 1 ҚВ.МЕТРИДАН ҚОЙДАЛАНГАНЛИҚ УЧУН
ИЖАРА ҲАҚИНИНГ ЭНГ ҚАМ СТАВКАЛАРИ**

№	Ижарага бериладиган майдондан қойдаланиш мақсади	2017 йилги энг қам йиллик ставка, 1 кв.м/сўм
Саноат		
1	Ёқилғи саноати	3 850
2	Кимё саноати	3 850
3	Нефть-кимё саноати	3 850
4	Машинасозлик	3 850
5	Дастгоҳлик ва асбобсозлик саноати	3 850
6	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	3 850
7	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	3 100
8	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	3 100
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший буюмлар ишлаб чиқариш	3 100
10	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	3 850
11	Металл конструкция ва буюмлар саноати	3 850
12	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	3 850
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	3 850
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати		
14	Ёғоч тайёрлаш саноати	3 850
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	3 850
16	Целлюлоза-қоғоз саноати	3 850
17	Қурилиш материаллари саноати	3 850
Енгил саноат		
18	Тўқимачилик саноати	3 850
19	Тикувчилик саноати	3 850
20	Чарим, мўйна ва пойабзал саноати	3 850
21	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	3 850
Озиқ-овқат саноати		
22	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	3 850
23	Гўшт ва сут саноати	3 850
24	Балиқчилик саноати	3 850
25	Ун ва ёрма ишлаб чиқариш саноати	3 850
26	Омихта ем ишлаб чиқариш саноати	3 100
27	Саноатнинг бошқа тармоқлари	3 850
Саноатнинг бошқа тармоқлари		
28	Тиббиёт саноати	3 850
29	Матбаа саноати	10 800
30	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	4 600
31	Саноат-хўжалик бошқаруви	10 800
Қишлоқ хўжалиги		
32	Ўсимликчилик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га	1 538 250
33	Чорвачилик ва паррандачилик	1 900
34	Балиқчилик (шу жумладан балиқ урчитиш хоналари) 1 га	1 538 250
35	Ветеринария хизмати	3 850
36	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	3 850
37	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га	1 538 250
Транспорт ва алоқа		
38	Умумқойдаланишдаги ерусти темир йўл транспорти	3 850

№	Ижарага бериладиган майдондан фойдаланиш мақсади	2017 йилги энг кам йиллик ставка, 1 кв.м/сўм
39	Транспорт инфратузилмаси (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойлари, гаражлар, автомобиль ювиш шохобчалари)	3 850
40	Транспорт инфратузилмаси (жарима майдонлари)	1 000
41	Аҳоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизмати	7 000
42	Почта алоқаси	3 850
43	Курьер (чопар) хизмати	7 650
44	Электр симли алоқа	7 650
45	Радио, уяли ва пейжинг алоқаси (ўрнатилган периметр бўйича, шу жумладан иншоотлар ва технологик ҳудудлар)	32 300
Қурилиш		
46	Қурилиш	3 850
47	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	3 850
Савдо ва умумий овқатланиш		
48	Улгуржи савдо	10 800
49	Фаолияти товарлар (хизматлар)ни партиялаб сотиш билан боғлиқ бўлган улгуржи савдо бозорлари	27 700
50	Чакана савдо	10 800
51	Умумий овқатланиш	10 800
52	Китоб дўконлари	1 550
53	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	10 800
54	Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	16 900
55	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	10 800
56	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	10 800
57	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	10 800
58	Кўчмас мулк билан муомала	10 800
59	Реклама, ваколатлик хизмати	10 800
60	Аудиторлик фаолияти	10 800
61	Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	10 800
62	Геология ва ер ва сув ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизмати	19 200
63	Тахририят ва нашриёт	6 150
64	Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғувчи тайёрлов идоралари	6 150
65	Уй-жой хўжалиги (уй-жой мулкдорлари ширкатлари объектлари)	6 150
66	Меҳмонхоналар хўжалиги	12 350
67	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	6 150
68	Сартарошхоналар, фотосалонлар, модалар ательеси, оёқ кийим таъмирлаш	9 300
69	Ломбардлар	13 900
70	Ҳаммомлар	18 550
71	Сауна ва бассейнлар	37 000
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот		
72	Соғлиқни сақлаш	7 650
73	Дам олиш ва сайёҳлик	7 650
74	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотекалар ва бошқалар)	12 350
75	Жисмоний тарбия ва спорт	3 850
76	Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт ускуналарини сотиш дўконлари	6 150
Таълим		
77	Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курсларини қўшган ҳолда)	6 150

№	Ижарага бериладиган майдондан фойдаланиш мақсади	2017 йилги энг кам йиллик ставка, 1 кв.м/сўм
78	Ишчиларни ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	5 400
79	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	3 100
80	Таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	3 850
81	Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун)	3 100
82	Маданият ва санъат	10 800
83	Кўргазмалар	9 300
84	Мактабдан ташқари тарбия	3 100
85	Истироҳат ва маданият боғлари	7 650
86	Ботаника ва ҳайвонот боғлари	7 650
87	Телевидение ва радиоэшиштириш тахририятлари	7 650
88	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	12 350
89	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	4 600
Молия-кредит фаолияти		
90	Молия, кредит (сугурта ва аудиторлик фаолиятдан ташқари), пенсия таъминоти	10 800
91	Банк фаолияти	10 800
Бошқа фаолият турлари		
92	Сугурта	10 800
93	Суд ва юридик хизматлари	9 300
94	Адвокатлар коллегиялари ва ҳуқуқий маслаҳатлари	9 300
95	Жамоат бирлашмалари	3 100
96	Омборхоналар	10 800
97	Давлат корхоналари учун офис	4 600
98	Хусусий ташкилотлар учун офис	16 900
99	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари	12 350
100	Енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	12 350
101	Лабораториялар	7 650
102	Турли хизматлар учун ҳақ тўлаш (пайнет)	30 850
103	Маданий мерос объектларининг бино ва иншоотларида савдо	16 900
104	Маданий мерос объектларининг бино ва иншоотларида умумий овқатланиш	14 750
105	Авиакассалар (шу жумладан темир йўллари, транспорт ва бошқа)	16 900
106	Банкоматлар	154 100
107	Нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш	10 800

Изоҳлар:

Минтақанинг олис қишлоқ ва тоғли туманларида давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкалари 25 фоизга пасайтирилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган тарзда тегишли коэффицентларни аниқлаш билан бирга давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларини тасдиқлашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари қарорлари билан олис қишлоқ ва тоғли туманлар рўйхати белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 2009 йил 30 июндаги 7/10-41-сон баённомаси 11-бандига мувофиқ, қишлоқ врачлик пунктларида иш юритаётган барча мулкчилик шаклидаги дорихона муассасаларига нисбатан давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг ноль даражали энг кам ставкалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сон топиширигига кўра, ёлпқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисмлар ва муассасалар ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг ноль даражали энг кам ставкалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сон топиширигига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 августидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан Миробод тумани) бўйича «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати» ЎзЛиДеП Кенгаши, шунингдек «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти учун партия балансидаги тегишли давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг ноль даражали ставкаси белгиланди.



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

ХУМШ фаолиятини янги Вазирлик мувофиқлаштиради

Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5017-сон Фармони билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари маъқулланди.

Ҳужжат билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил қилинди.

Илгари фаолият юритган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Коммунхизмат» агентлиги этиб қайта ташкил қилинди ва янги вазирлик тузилмасига унинг бўлими сифатида киритилди.

Вазирлик бошқа вазифалари қаторида ХУМШ фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини аниқлаш бўйича талабларга, кўп хонадонли уйлари техник эксплуатация қилиш қоидалари ва нормаларига, кўп хонадонли уйлари туташ ҳудудларнинг санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда сақланишига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Бунинг учун Вазирлик тузилмасида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тузилди. Инспекция қуйдагиларни назорат қилади:

- кўп хонадонли уй-жой фондини, унинг атроф ҳудудини сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда кўчмас мулк эгалари томонидан хоналарнинг ўзбошимчалик билан қайта режалаштирилишига йўл қўймаслики;

- умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уй ичидаги муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши ҳамда уларни таъмирлаш-тиклаш ишлари тизимли амалга оширилиши;

- уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари томонидан тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солиш соҳаси-

даги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини;

- кўп хонадонли уйлари мукамал таъмирлаш учун жамланадиган кўчмас мулк эгаларининг маблағларидан мақсадли фойдаланилишини.

Инспекцияга қуйдагиларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш ҳуқуқи берилди:

- кўп хонадонли уйлари сақлаш ва улардан фойдаланишнинг мавжуд қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича — **ХУМШга ва кўчмас мулк эгаларига**;

- тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш бўйича — **УКХ ташкилотларига**.

Тақдим этилган кўрсатмалар бажарилмаган тақдирда, Инспекция тегишли мансабдор шахсларга (шу жумладан ХУМШ раисларига) жарима солиш ҳуқуқига эгадир. Бунинг амалга ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тузатишлар киритилади.

қувватларни ташкил этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим (2 ой муддатда);

- 2018–2019 йилларда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотларининг рақобатдошлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури (1.12.2017 йилга қадар).

Қарорга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари Ҳукумат томонидан лавозимга тасдиқланадиган ҳамда мақомига кўра тегишли равишда вазирга ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгаши ташкил этилди, унга Бош вазир ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов ва қатор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий шахслари киритилди.

«Тоza ичимлик суви» жамғармасига топширилади. Унга суv ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ, мақсадли бюджет маблағлари, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари, халқаро дoнoрларнинг грантлари, хайр-эхсон қилувчиларнинг маблағлари, маҳаллий бюджетларнинг маблағлари, шунингдек Жамғарманинг бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар йўналтирилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи бўм ва узеллар, технологик ҳужжатлар ва жиҳозлар 2022 йилнинг 1 январига қадар бoжxoнa тўловлари тўлашдан (бoжxoнa расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) oзoд қилинади.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Президентнинг 2016 йил сентябрда чиққан, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни 2017 йилдан 2020 йилгача ЯСТдан озод қилиш тўғрисидаги Фармони кучга кирдими?

Х.Ирисов.

НХХ: кучга кириш пайти

— Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Саволда сўз юритилаётган Президентнинг 16.09.2016 йилдаги ПҚ-2595-сон қарорида кечроқ муддат кўрсатилмаган. Шу сабабли мазкур ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий манбаларида эълон қилинган пайдан эътиборан кучга кирган («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси).

Қарор расмий манба — 26.12.2016 йилдаги 51-сон ЎЗР қонун ҳужжатларининг тўпламида эълон қилинган. У кучга кирган сана айни шу санадир.

Жўрабек Муротов, «Norma Online» эксперти.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар



200-00-59
телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

Кимё корхоналарига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш топширилди

Президентнинг 12.04.2017 йилдаги ПҚ-2884-сон қарори билан «Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланди, шунингдек компаниянинг янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси маъқулланди.

Кимё саноати корхоналарининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини тубдан камайтириш, мавжуд резервларни аниқлаш, энергия, материаллар ва ресурсларни тежайдиган илгор технологияларни жадал татбиқ этиш, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш бўлиши керак.

Шу муносабат билан «Ўзкимёсаноат» АЖга жорий йилда корхоналар бўйича ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда маҳсулот таннар-

хини пасайтиришнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва уларга эришишни таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, қуйдагилар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаштириш учун киритилиши керак:

- 2017–2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, унда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда талаб бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мослашувчан

Минтақалар тоза ичимлик суви ва канализация тизимлари билан таъминланади

Президентнинг қарори (18.04.2017 йил) билан 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тасдиқланди.

Ҳужжатда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча ечилмаган муаммолари сақланиб қолмаётганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, аҳолининг кенг қатламлари яшаши учун, айниқса, қишлоқ жойларда, шинам ва қўлай иқтимоий-مائий шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, республикада суv таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тасдиқланди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Дастурнинг амалга оширилиши учун масъул этиб белгиланди. Махсус республика комиссияси назоратни амалга оширади. Комиссияга зарур ҳолларда Дастурга тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Лойиҳа-қидирув ишлари, шунингдек объектларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш янги ташкил қилинган, Молия вазирлиги ҳузуридаги

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Оғир юк машиналарининг доvon орқали ҳаракатланиши тақиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2017 йилдаги 200-сон қарори билан Қамчиқ доvonи орқали етакчи ўқ оғирлиги 11,5 т дан ошадиган автотранспорт воситаларида юк ташиш тақиқланади.

Автомобиль ўқиға тушадиган оғирликнинг белгиланган параметрлари қуйидаги автотранспортларга татбиқ этилмайди:

- ваколатли органларнинг махсус рухсатномаси

билан ажратиб бўлмайдиган катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиётган юк автомобиллари;

• Қамчиқ доvonида йўл-транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва таъминлаш бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинган автомобиллар.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда Тошкент ва Наманган вилоятларидаги назорат пунктларини белгиланган муддатда ўлчов



ва йирик ҳажмий параметрларни, шу жумладан автотранспортнинг ўқиға тушадиган оғирликни текширув ўтказиш бўйича замонавий технологик ускуналар билан таъминлашни охирига етказиш топширилди.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳаммаси кузатув остида

Пойтахтимизда жорий йилнинг март ойидан бошлаб йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш ва жамоатчилик тартибини муҳофаза қилишнинг компьютерлаштирилган тизими ишламоқда. Шаҳарнинг 115 та чорраҳасида турли мўлжалдаги 1 144 та видеокамера ўрнатилган. Автомобилчилар – «Норма маслаҳатчи» ўқувчиларининг саволларини Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДЙХБ матбуот хизматига йўллади.

– Камералар йўл ҳаракати қоидаларининг қандай бузилишларини қайд этадилар?

– Ҳозирча биринчи босқичда тизимда Йўл ҳаракати қоидаларининг 2 турдаги бузилишини автоматик қайд этиш функцияси йўлга қўйилган. Булар – автотранспорт ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириши ва светофорнинг тақиқловчи белгисида ўтиши. Келгусида камералар ЙХҚнинг барча бузилишларини, шу жумладан уяли алоқа телефонида фойдаланганлик ва хавфсизлик камарини тақмаганликни ҳам қайд этади.

Маълумот учун!

Светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан **ЎТГАНЛИК** учун **ЭКИХ**нинг 2 баравари миқдорида жарима солинади.

– Камералар қоидабузарлиқни қайд этганда жарималар ёзиш тизими қандай ишлайди?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 309-1-моддасига мувофиқ, махсус фото ва видео қайд этиш воситалари орқали қайд этилган ЙХҚ бузилишларига бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарнинг иштирокисиз чиқарилади.

Қайд этиш материаллари илова қилинган жарима солиш тўғрисидаги қарор юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда уни туган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси материаллар илова қилинган ҳолда у чиқарилган кундан эътиборан 3 кун ичида буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади. Ҳайдовчи жаримани 60 кун ичида тўлаши керак бўлади.

– Агар автомобилни унинг соҳиби бошқармаган бўлса, камералар орқали қоидабузарлик қайд этилганда ЙХҚни бузган

лик учун ким жавобгар бўлади?

– МЖТКнинг 17-1-моддасига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилади.

Агар машина хусусий эмас, балки юридик шахсга тегишли бўлса, ундан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс жавобгарликка тортилади.

– Агар ҳайдовчи бир кунда ЙХҚни бир неча марта бузган ва камералар бундан қайд этган бўлса, қоидабузар қандай жаримага тортилади?

– Агар ҳайдовчи бир кунда бир неча хил ЙХҚни бузган бўлса, ҳар

бир қоидабузарлик учун алоҳида жарима ёзилади ва тўланади.

– Тошкентда яшamayдиган автомобиль соҳиби, унинг транспортини ишончнома асосида бошқа киши бошқараётган бўлса, «жарима мактубини» қандай олади?

– Қарор солинган хат автомобилга рўйхатдан ўтказилган манзилга йўлланади. Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни қўриб чиқиш жараёнида ушбу автомобилга ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур автомобиль бошқа шахсларнинг гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида мулкдорнинг эгалигидан чиқиб кетганлиги (олиб қочилганлиги ва ҳ.к.) аниқланса, мулкдор қоидабузарликлар учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

– ЙХҚ бузилишини видео орқали қайд этиш жорий этилганлиги муносабати билан энди Тошкент йўлларида ИПХ ходимлари сони камайидими?

– Тизим жорий этилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ИИББ

ЙХҚБ қисқартирилган штат бирликлари ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш лавозимларига ўзгартирилди.

Йўл-патруль хизмати ходимларининг бир қисми ҳозирча тизим билан қамраб олинмаган шаҳар ҳудудларига, шунингдек аҳоли билан тушунтириш-профилактика ишларини кучайтириш учун қайта йўналтирилади.

– Ҳайдовчилар онлайн режимида ЙХҚни бузганликлари ҳақида ахборот олишлари мумкин бўлган, қайд этилган қоидабузарликларнинг ягона интернет-портали мавжудми?

– Айни пайтда комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда, у ҳуқуқбузарларни қоидабузарлик қайд этилгани ҳақида автоматик хабардор қилиш функциясини, шунингдек биллинг тизими орқали жарималар тўлаш тизимини ўз ичига олади.

– Видеокамералар қайд этаётган қоидабузарликлар учун жарималарнинг миқдори жуда катталигини инобатга олиб, уларнинг миқдорини камайтириш режалаштириляптими?

– Видео орқали бир неча ҳуқуқбузарликлар қайд этилганда жарима санкцияларини белгилашда жарималар миқдорлари камайишига олиб келувчи уларнинг тақрирлиги ҳисобга олинмайди.

Масалан, автоматик ҳайдовчи-си светофорнинг тақиқловчи сигнаliga ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтса, у ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этса, энди ЭКИХнинг 5 баравари миқдорида жарима тўлашига тўғри келади.

Видео орқали қайд этишда ЙХҚ бузилишининг тақрирлиги ҳисобга олинмайди, бинобарин, у фақат 4 ЭКИХ – ҳар битта ҳуқуқбузарлик учун 2 ЭКИХдан тўлайди.

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Қўп квартиралар уй ҳовлиси ҳудудидан чиқаётган автомобиль ҳайдовчиси қўлмакка яқинлашганда тезликни камайтирмаганлиги учун бошимдан оёғимгача лой сачратди. Бундай ҳолларда жазо чораларини қўлласа бўладими?

Р.Ермилова.
Тошкент ш.

Йўлдаги беадаблар

– Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиклар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (МЖТКнинг 128-3, 128-5, 128-6 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчиларга лойка сачратиши сингари ҳуқуқбузарликлар 0,5 ЭКИХ миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар ҳайдовчи худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этса, унга ЭКИХнинг 1 баравари (149 775 сум) миқдорида жарима солинади.

Ҳайдовчи 2 марта жазо қўлланилганидан кейин қоидаларга риоя этишни яна унутиб қўйса, жарима суммаси ЭКИХнинг 3 бараваригача ошади.

Масъулиятни тушунмаган ҳайдовчиларнинг худди шундай ҳуқуқбузарликни мунтазам (3 марта ва ундан ортиқ) содир этиши ЭКИХнинг 4 баравари миқдорида жарима солишгагина эмас, балки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ой муддатга маҳрум этилишига ҳам олиб келиши мумкин (МЖТКнинг 128-моддаси).

Ўқиб-ўрганишнинг кечи йўқ

Мен стажга эга ҳайдовчиман, ирилган тоифадаги транспортни бошқариш ҳуқуқига эгаман. Бир йилдан ортиқ муддат ихтисослигим бўйича ишламадим. Ишга қайётганимда ҳуқуқимни тасдиқлаш учун мени ДЙХХга юбордилар. Маъмурийят бунга ҳақлими?

Хафизин.
Тошкент ш.

– Маъмуриятнинг хатти-ҳаракатлари мутлақо ўринли. Ҳар қандай транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган шахс 12 ойдан кўп вақт уни бошқармаган бўлса, иш берувчи томонидан у худудий ЙХБ РИБ (ТРИБ)ларига назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш учун юборилади. Имтиҳонларни ижобий топширган шахслар камида 30 соатлик амалий бошқариш бўйича кўника (стажировка)дан ўтганидан кейин, уларга транспорт воситаларини мустақил бошқаришига рухсат этилади (Низомнинг 32-банди, ВМнинг 2.08.2006 йилдаги 156-сон қарорига 1-илова).

Пул бор – товар йўқ


Таркибига назорат-ўлчаш асбоблари тажриба заводи кирган бир ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилганидан кейин бир неча ой ўтгач, унинг юридик бўлимига харидорлардан эътироз-шитлар кела бошлади.

Уларда кўрсатилишича, гарчи буюртмачилар маҳсулот – радиоактив изотопларга асосланган ўлчов асбоблар қийматини тўлиқ тўлашса-да, бироқ улар ушбу маҳсулотни амалда олишмаган ёки илова қилинувчи ҳужжатларда қайд этилганидан кам миқдорда олишган.

Бирлашма ходимлари маҳсулот йўлда йўқолган ёки уни етказиб бериш транспорт ташкилотининг айби билан тўхтатиб қўйилган бўлса керак деб ҳисоблаб, темир йўл бўлимига юкни қидириб топиш талаби билан мурожаат қилдилар. Текширишда эса айтилган маҳсулотнинг темир йўлга келиб тушмаганлиги аниқланди. Шу боис уни заводнинг ўзидан қидира бошлашди ва завод маҳсулот истеъмолчиларига 80 минг сўмлик маҳсулотни жўнатмаганлиги аниқланди. Ҳолбуки ана шу суммани завод раҳбарияти асоссиз равишда II чорак учун маҳсулотни реализация қилиш тўғрисидаги ҳисобот маълумотларида қайд этганди. Давлат ҳисоботида қўшиб ёзишлар бўлгани тўғрисида жиноят иши қўзғатилди, ваколатли органларга эса заводда ҳужжатларни тафтиш қилиш топширилди. Дарҳол мавжуд эътироз-даъво ҳужжатлари олиб қўйилди.

Ишлаб чиқариш мароми ғалати тарзда бузилган

Тергов вақтида заводда ҳамма эътироз-даъволар ҳисобга олинавермаслиги аниқланди. Кейинги 10 йил мобайнида маҳсулот чиқариш маромининг ғалати тарзда бузилиши кўзга ташланган. Одатда маҳсулотнинг асосий қисми оморга ойинг охириг ўн кунлигида ва ҳатто ойинг охириг кунларида (70%дан ортиги) топширилган. Ҳужжатларга қараганда ана шу қисқа муддат ичида заводда



Ўзи йўқ маҳсулотга ҳақ тўлаб...

Дунё яралибдики, товламачилик мавжуд, унинг ғоятда хилма-хиллигини айтмайсизми. Тилларда дoston бўлган адабий қаҳрамон Остап Бендер ишининг «муносиб» давомчилари ҳамма вақт бўлган. Бироқ, доврўғи кетган буюк товламачидан фарқли ўлароқ замонамиз товламачиларининг кўплари Жиноят кодексини назарга илмайдилар.

Биз айтиб бермоқчи бўлган жиноят иши қирқ йилдан олдин тергов қилинган эди. Шундай бўлса-да, ушбу воқеа тадбиркорлар учун ибрат бўлиши мумкин. Чунки ноқонуний фаолият орқали ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳам, давлатга ҳам етказилган зарар одатда жуда кўп бўлади.

Маҳсулотнинг бундай катта миқдорини тайёрлаш, ўраб-жойлаш ва транспорт ташкилотига топширишга улғуришган.

Тайёр маҳсулотни оморда ўраб-жойлаш билан шуғулланган шахслар тергов қилинганидан ва ушбу ўраб-жойлашга вақт сарфи нормалари тўғрисидаги маълумотлар ўрганиб чиқилганидан кейин биргина (учинчи) ўн кунликда маҳсулотнинг бунчалик миқдорини амалда ўраб-жойлаш ва жўнатиш мумкин эмаслиги аниқланди. Шу боис мавжуд қондаларга кўра маҳсулот юклаб жўнатилгунга қадар ўтказилмаслиги керак бўлган пул маблағлари заводнинг ҳисоб-рақамига ўтказилгани шубҳа уйғота бошлади.

Маҳсулотни реализация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар текширилиши давомида аниқланишича, ойнинг иккинчи ярмидаги маҳсулот учун ҳисоб-китоб асосан аккредитивлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Бироқ аккредитив суммасини заводнинг ҳисоб-рақамига ўтказиш учун завод банкка юк ташиш учун қабул қилинганлиги тўғриси-

да транспорт ташкилотининг қвитанциясини тақдим этиши лозим эди. Амалда жўнатилмаган маҳсулот учун пул заводнинг ҳисоб-рақамига ўтказилгани туфайли завод банкка қалбаки транспорт ҳужжатларини тақдим этган. Тафтишчиларга банкка тақдим этилган темир йўл қвитанцияларининг рақам ва саналарини темир йўл бекатидаги юклаб жўнатиш ҳужжатларининг рақам ва саналари билан солиштириш таклиф этилди.

Терговчида ҳисобот бузиб кўрсатилишида заводнинг сотиш масалалари билан шуғулланадиган мансабдор шахслари алоқадор эканлиги ва уларда ҳақиқатда юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳисоби бўлиши кераклиги хусусида тахмин қилишга асос бор эди. Шу боис иш бўйича хизмат ҳужжатларида, шу жумладан завод директорининг ўринбосари П. ва моддий-техник таъминлаш ҳамда бутлаш бўлими бошлиғи Б.га тааллуқли ҳужжатлар текширилди. Тинтувлар яхши натижалар берди: уларда қиймати заводга аввалроқ, юк жўнатилишига қадар тўланган апаратурага тааллуқли бўлган турли ёзувлар топилди. Харидорлардан аккредитивлар талаб қилинганлиги тўғрисида ҳужжатлар ва директор ўринбосари П. рўйхатдан ўтказмасдан ўзида қолдирган, заводга доир кўпдан-кўп эътироз-даъволар ҳам топилди.

Ҳужжатлар тафтишида аниқланишича, атиги бир йил ичида завод амалда юклаб

жўнатилмаган 557,9 минг сўмлик маҳсулот учун банкка сўт тақдим этган. Кейинги йилнинг яна 3 ойда завод 185,2 минг сўмлик, II чоракда эса 168,6 минг сўмлик ана шундай товарсиз сўтлар тақдим этган.

Завод қвитанцияларидаги темир йўл календарь штампларининг изларини ўрганиш улар темир йўлда фойдаланиладиган штампнинг изларига мос тушмаслигини кўрсатди. Буни криминалистик экспертиза тасдиқлади: завод қвитанцияларидаги штампларнинг изларида кўлдан чизиб қўйиш элементлари кўзга ташланиб қоларди. Жами 50 дан ортиқ қалбаки темир йўл қвитанциялари аниқланди ва олиб қўйилди. Маҳсулотни юклаб жўнатиш саналари қалбакилаштирилган қвитанциялар ҳам топилди.

Сўроқларда сотиш бўлимининг ходимлари ҳужжатларни П. ва Б.нинг фармойиши бўйича қалбакилаштирилганликларини айтишди.

Асосий айбдорлар

Терговнинг бошланғич босқичида Б. ўзини айбсиз деб кўрсатишга уринди, зеро у ўзини фoш этадиган ҳужжатларнинг йўқлигига ишончи комил эди. Кейинроқ маълум бўлишича, у жиноят иши қўзғатилишига қадар ҳужжатларни йўқ қилиш чораларини кўрган: якшанба кунлари ходимаси Р. билан бирга завод бухгалтериясида ҳужжатлар солинган папкаларни кўздан кечириб чиққан ва улардан қалбаки темир йўл қвитанцияларини

олиб қўйган. Бироқ янглишган эди, чунки ушбу қвитанцияларнинг бир қисми реализация ҳужжатларининг нусхаларига қўшиб қўйилган экан, баъзи қалбаки ҳужжатлар эса (улар ҳақиқийларига алмаштирилганидан кейин) сотиш бўлими ходимларининг қўлида ҳам қолган.

Б. ўз ходимларини жалб этган ҳолда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга фoл равишда тўсқинлик қилганлиги боис, унга айбнома эълон қилинганидан кейин қамoққа олинди.

Унга хизмат кабинетидан тинтув чоғида олиб қўйилган ҳужжатлар («қўшимча юклаш бўйича жадваллар» ва рўйхатдан ўтказилмаган даъво-эътирозлар) тақдим этилганидан ва у ҳужжатларни қалбакилаштириш тўғрисида фармойишлар берган ходимлар билан юзма-юз учраштирилгандан кейингина Б. ўзини айбдор деб тан олди.

Завод директорининг ўринбосари П. терговда ўзини бошқача тутди, унинг айтишича, алдов сотиш бўлими ходимларининг совуққонлиги туфайли юз берган, унинг эса бундан хабари бўлмаган, гўё ходимлар оморда тўпналган қолган тайёр маҳсулотни ўз вақтида жўнатишга эринишган.


Ҳужжатлар тафтиши тугаши билан дарҳол суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланди.

Жиноят технологияси

Аниқланишича, юз берган воқеалардан бир неча йил олдин завод раҳбарлари (директор К. ва унинг ўринбосари П.) радиоактив изотопларда ишлайдиган ўлчаш асбобларини ишлаб чиқаришга жорий этганлиги учун республика мукофотини олишган. Бироқ аста-секин улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор бермай кўядилар.

Заводда деярли ҳар бир ойнинг аввали бутловчи буюмларнинг йўқлиги туфайли ишсиз туриб қолиш билан бошланса, иккинчи ярмида иш авжига чиқар, ишдан ташқари вақтда ишга чиқиларди. Бироқ раҳбарият аҳволни яхшилаш чораларини кўрмади. Аксинча, корхона яхши ишлаётганлигини кўрсатиш учун у маҳсулотни реализация қилиш режаси бажарилмаганлиги далилларини яшира бошлади.

Уларни бажариш учун арзимаган суммалар етишмаган дастлабки йилларда уларни кейинчалик ушбу суммани харидорлардан ундирган ҳолда гўё тайёрланган маҳсулотни масъулиятли сақлашга сохта қабул қилиш би-



Ўзи йўқ маҳсулотга ҳақ тўлаб...

7-бетда лан қоплашган. Бироқ юқоридан келган фармонийшга кўра маҳсулотни масъулиятли сақлашга қабул қилиш тақиқланган эди. Реализация қилиш режасига харидорлардан амалда юклаб жўнатилган маҳсулот учун келиб тушган суммаларнигина киритишга рухсат берилган.

Шунда завод директори ўринбосари П. ва моддий-техник таъминот ҳамда бутлаш бўлими бошлиғи Б.нинг кўрсатмаларига кўра ҳатто харидорлардан буюртма берилган маҳсулот ҳали тайёрланмаган вақтда ҳам аккредитивлар очиши оммавий равишда талаб қила бошлади. Бу билан маҳсулотни реализация қилиш режасини келгусида бажариш ҳисобига пулни муддатидан аввал олиш имконияти яратилди (агар тўлов одатдаги йўл билан амалга оширилганда бу ҳол юз бермас эди).

Маҳсулотни тайёрлашга қадар аккредитивларни талаб қилиб олиш тақиқланган ва ушбу тақиқни бузиш қонун билан белгиланган санкцияларни қўллашга олиб келади. Аккредитивларни ўз муддатида ишлатмаслик (яъни агар банкка унинг учун аккредитив бўйича тўланадиган маҳсулот юклаб жўнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим

этилмаса) жарима солишга сабаб бўлади. Банк транспорт қвитанцияси мавжуд бўлганида аккредитив тақдим этган буюртмачига маҳсулот жўнатилганлигини текширади. Банкка тақдим этилган счёта ва транспорт қвитанцияларида маҳсулот турли ўлчовларда (доналарда ва оғирлиги бўйича) кўрсатилганлиги боис, банк ходимлари завод маҳсулотининг оғирлиги ва ўраб-жойлаш усулини билмасдан, счётада кўрсатилган маҳсулотнинг ҳаммаси ёки фақат бир қисми транспорт қвитанциялари бўйича юклаб жўнатилганлигини текшира олмаганлар. Банк ходимларининг ана шу хабарсизлигидан П. ва Б. кўрсаткичларни сохталаштириш учун фойдаланганлар.


Харидорлардан буюртма берилган маҳсулотнинг тўлиқ қийматини тўлашга аккредитив қўйишни талаб қилганлар ва ой охирида банкка тўлиқ юклаб жўнатиш ҳужжатларини тақдим этганлар. Ҳақиқатда эса харидор буюртма берган асбоблар мавжуд бўлмаган ёки қисман ишлаб чиқарилган. Аккредитив суммасини реализация қилиш режасига киритиш ва уни асоссиз равишда талаб қилганлик учун жарима тўламаслик мақсадида харидорга аввал ҳақи тўланган маҳсулотнинг фақат

бир қисмини, кейинчалик эса қолган қисмини (эҳтиёт қисмлар ёки айрим деталларни) юклаб жўнатганлар.

Бир ярим йил ичида банкка умумий қиймати 1 млн сўмдан зиёд маҳсулотга ана шундай ҳужжатлар тақдим этилган. П. ва Б. сотиш бўлимида ҳақиқий реализациянинг норасмий ҳисоби юритилишини диққат билан кузатганлар.

Юқорида таъкидланганидек, юкларнинг камлиги тўғрисида харидорларнинг эътироз-даъволари рўйхатдан ўтказилмаган. Бироқ П. ва Б. бундай харидорларга асбоблар биринчи навбатда юклаб жўнатилишини шахсан кузатганлар (судга даъволар тақдим этилишига йўл қўймаслик учун). Омборга келиб тушаётган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлари бухгалтерия қўшиб ёзишларни аниқлаб олиш мумкин бўлган сальдодаги бузилишни кўрсатмаслик учун П. ва Б.нинг фармойишига кўра тайёр маҳсулот омборида ҳақиқатда олинмаган маҳсулотни қабул қилиш расмийлаштирилган, бу билан омбор ҳужжатларида мавжуд бўлмаган асбоблар «қопланган».

Аккредитив қўйган харидорларга юклаб жўнатиш учун ҳеч вақо қолмаган ҳоллар қайд этилган: завод-



да ҳатто ҳақи тўланган ва буюртма берилган асбобларга эҳтиёт қисмлар бўлмаган. Бироқ ушбу вазиятда ҳам айбланувчилар «иложи»ни топишган. Бир қатор темир йўл бўлинмаларида юк жўнатувчи томонидан юкхатлар ёзиш таомили бўлган. Темир йўл эса фақат уларни рўйхатдан ўтказган ва ўз календарь штампи изи ва товар кассирининг имзоси билан тасдиқлаган. Айти шундан жиноятчилар ўз мақсадларида фойдаланганлар.

Керакли изларни олиш учун илгари заводда фойдаланилган, экспорт маҳсулотини юклаб жўнатиш штампи қўлланган: ундан «ортиқча» сўзлар ва белгилар қирқиб олиб ташланган, штамп рамкалари эса чизгич ва қора қоғоз ёрдамида чизилган.

Темир йўл қвитанциялари сотиш бўлими барча ходимларнинг кўз ўнгига қалбақиллаштирилган ва шу боис қалбақиллаштиришнинг кўрсатилган усули ҳаммага яхши маълум бўлган.

«Сен эса ўғирлама...»

Терговда аниқланишича, ҳужжатларни тузиш ва уларни банкка тақдим этиш пайтида ҳали юклаб жўнатилмаган жами қиймати 1 164 787 сўмлик маҳсулотни реализация қилишга сохта ҳужжатлар тузилган. Тергов чораклик режалар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботда қўшиб ёзишлар борлигини ҳам аниқлади. Бундан ташқари, иш натижада бўйича ушбу даврда завод раҳбарияти, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларига 26 минг сўм мукофот тўланган, ҳолбуки заводнинг маҳсулот реализация қилиш режаси амалда бажарилмаган.

Ушбу мураккаб кўп эпизодли ишнинг тергов материаллари судга юборилди, суд завод директори К., унинг ўринбосари П., таъминот ва сотиш бўлими бошлиғи Б. ва сотиш бюроси бошлиғи Р.ни айбдор деб топди. Улар ўз айбларига яраша жазо олдилар.

Ольга Маршанская.

Эълонлар ва реклама

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ – ОНЛАЙНДА

Ҳурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни таҳририятимиз босма тарзда чоп этаётганини эслатиб ўтамиз. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.

Лекин сиз **norma.uz** сайтимизга кириб, назорат қилувчи органлар реестри ва 2017 йилда фаолияти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2017 йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚнинг **sofiq.uz** расмий сайтида ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун **norma.uz** сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этамиз.

Таҳририят.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳўжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Иқтисодий-ҳўқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲўҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратова РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: **sbx@norma.uz,**
gazeta@norma.uz,
web: **norma.uz**

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муножабат қилиш мумкин.

Газета ношири – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўроз бېғими – А3. Ҳажми – 2 босма табак. Баҳоси кўчигилган нархда.
Буюртма 944. Адади 1 150. Газета 2017 йил 1 май соат 18.00 да топширилди.